

Бир дирҳам увол бўлди

15:04 / 28.04.2017 2786

Бир аёл жориясига бир дирҳам бериб, “Ма, бу пулга ҳолвайтар олиб кел!” деб буюрди. Бир оздан кейин жория келиб: “Эй бегойим, бир дирҳам увол бўлди” деди. Саййидаси: “Эй фалона, оғзингни тўлдириб “Бир дирҳам увол бўлди” дейсан-а!” деб жаҳли чиқди. Шунда жория қўли билан оғзининг ярмини тўсди-да, қолган ярми билан: “Олиб келаётганимда товоқ синиб қолди” деди.

Ҳоний Ҳожининг “Солиҳлар ҳаётидан минг бир қисса”

китобидан **Нозимжон Ҳошимжон** таржимаси